

Алоҳида таъкидлашни истардимки, республикамиздаги кутубхоналарчиларнинг азалий орзуси ушалади. Бизга Президентимиз катта совға инъом этдилар. 21-май Кутубхоначилар куни деб белгиланиб, бунда кутубхоначиларнинг кўп йиллик ҳалол меҳнати ва ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун давлат мукофотлари билан тақдирлаш ва рағбатлантириш кўзда тутилганлигини ўқиб, бошимиз осмонга етди. Албатта бу биз – соҳамиз вакиллари учун катта эътибор, улкан рағбат, эътироф бўлибина қолмасдан, балки юксак масъулиятдир.

Биз давлатимиз раҳбарининг эътиборига жавобан, мамлакатимизда китобхонлик маданиятини ошириш, китоб мутолаасини янада такомиллаштириш орқали аҳолимиз, айниқса ёшларимизни юксак маънавиятли шахслар қилиб тарбиялашга бор билим, малака ва тажрибамизни, жамики имкониятларимизни сафарбар этишга тайёрмиз.

Хулоса ўрнида айтмоқ чиманки, энди ҳақиқий маънода “Касбим менинг – фахрим менинг”га айланди.

БАРҲАЁТДИР ОГАҲИЙ БОҒИ

(Муҳаммад Ризо Огаҳий таваллудининг 210 йиллиги олдидан)



Муяссар ДИЛМУРОДОВА,
Республика илмий педагогика кутубхонаси,
Илмий библиография бўлим бошлиғи

Abstract: This article dedicated to the 210th anniversary of the life and work of the poet, thinker, historian, translator Muhammad Riza Ogahi , his historical and translated works. The life of the poet, his scientific, historical and artistic heritage for generations testifies to his exceptional talent.

Purpose: To acquaint the growing generation with the scientific heritage of Muhammad Riza Ogahi.

Мамлакатимизда мумтоз адиларимиз ва улар яратган асарларни ўрганиш, улардаги миллатимизга хос бўлган чин инсоний фазилатларни улуғлаш, ўсиб келаётган авлодни ватанпарварлик, миллат-парварлик, бунёдкорлик, ўзига ишонч ва ғурур, меҳр-оқибатлилик руҳида тарбиялашга бўлган эътибор кундан-кунга ортиб бормоқда. Зоро, буюк ўтмишни билмасдан туриб буюк келажак қуриб бўйлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2018 йил 12 майдаги “Буюк алломалар, адаб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида, ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида” қабул қилган қарори айни мудда бўйди.

Қарорда буюк адаб ва мутафаккирларимизнинг

нодир мероси, ибратли ҳаёти ва ижтимоий фаолиятини ҳар тамонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, ёшларимизни ўзликни англаш, миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат руҳида тарбиялаш, улар ўртасида китобхонлик маданиятини кенг оммалаштириш мақсадида, танловлар ўтказиш кўзда тутилган.

Танловларни Ватанимиз тарихи ва халқимизнинг маънавий ҳаётида бекиёс ўрин тутадиган Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Ризо Огаҳий, Бердақ сингари буюк мутаффаккирларимиз ижоди ва фаолияти, жаҳон адабиётининг дурдона асарлари, “Алномиш”, “Гўрўғли”, “Кунтуғмиш” каби халқ достонлари бўйича ўтказиш режалаштирилган.

Бу йил декабрь ойида мутафаккир шоир, тарихчи

“Kutubxona.uz” илмий-услубий журнал

ва таржимон Мухаммад Ризо Огаҳий таваллудининг 210 йиллиги жойларда кент нишонланади.

Огаҳий нафақат ўзбек, балки жаҳон адабиёти хазинасидан муносаб ўрин олишга арзирли кўплаб баркамол бадиият дурданаларини яратган забардаст адиблардан ҳисобланади. Шоирнинг ҳаёти, авлодларга қолдирган бадиий, илмий ва тарихий мероси унинг бетакрор истеъод сохиби бўлганлигидан далолат беради.

Мутафаккир шоир, етук тарихчи, таржимон сифатида XIX аср ўзбек адабиёти тарихида катта ўрин тутган Мухаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий (Огаҳий тахаллуси; огох, зийрак, хабардор деган маънони билдиради.) 1809 йили Хива шахри яқинидаги Қиёт қишлоғида мироб хонадонида дунёга келди. Унинг ота-боболари узоқ йиллар мобайнида Хива хонлигига мироблик вазифасида ишлаб келганлар. Амакиси – машхур шоир ва муаррих Шермуҳаммад Мунис ҳам мироб эди. Уч ёшида отасидан етим қолган Мухаммад Ризо амакиси қўлида тарбияланади.

Зеҳни ўткир, тиришқоқ бўлган Мухаммад Ризо аввал бошланғич мактабда савод чиқариб, кейин мадрасада таҳсилни давом эттиради. Ўз даврининг барча асосий илмларини ўзлаштиради, форс ва араб тилларини чуқур ўрганади.

Мунис хонадонида тез-тез олимлар, шоирлар, ҳофизлар, адабиёт ва санъат муҳлислари тўпланиб, илмий-адабий сұхбатлар, қўшиқ ва мусиқа базмлари бўлиб турарди. Улар бу давраларнинг доимий иштирокчиси бўлган Огаҳийнинг ўз даврининг зиёли ва ижодкор кишиси ўлароқ шаклланишида муҳим роль ўйнайди.

1829 йили Мунис вафот этгач, унинг ўрнига тайинланган Огаҳий қарийиб ўттиз йил бош мироб бўлиб ишлайди. Лекин бу лавозим шоир учун унча хайрли бўлмайди – хизмат вазифасини адо этаётганида отдан йиқилиб, оёғидан қаттиқ жароҳатланади. Шунга қарамай, у бир неча йил хизмат вазифасини давом эттиради ва соғлиги ёмонлашгач, 1857 йили ўз лавозимидан истеъро бериб, ҳаётининг қолган қисмини тамомила илму ижодга бағишлади. Узоқ йиллар тинимсиз заҳмат чекиб, кўплаб дурдана асарлар яратади. 1874 йили 65 ёшида вафот этган шоир, ўзи туғилган Қиёт қишлоғида дағн этилади.

Огаҳий Хива хонлари – Мухаммад Раҳим I, Оллоқули, Мухаммад Амин, Қутлуқмурод, Сайид Мухаммад ҳукмронлик қилган даврларда Хоразмнинг ярим асрдан кўпроқ кечган тарихий воқеаларини бир неча асарларга жамлади. Бу асарлар ҳозирги кунда XIX асрдаги сиёсий-иктисодий, маданий-маънавий ҳаётимизни ўрганишда, ёш

авлодни Ўзбекистон тарихининг маълум бўлмаган саҳифалари билан таниширишда муҳим аҳамият касб этади.

Огаҳий лирик шоир бўлиб, туркий ва форсий тилда шеърлар ёзган. У умри бўйи ижод этган шеърий асарларини тўплаб, 18 минг мисрадан иборат "Таъвиз ул-ошиқин" ("Ошиқлар тумори" – 1852 й.) номли девон араб алифбоси тартибида тузилган бўлиб, ғазал, мухаммас, мусаддас, рубоий, форс-тоҷикча ғазаллардан таржимаси билан келтирилган намуналар ва бошقا жанрлардаги шеърларни ўз ичига олади. Девонга "Ашъори форсий" номи билан Огаҳийнинг форс тилидаги 1300 мисра шеъри ҳам киритилган. Девондаги асарлар мазмун-мундарижаси марказида ишқ-муҳаббат мавзуи туради. Огаҳий девонида замон ва замондошлари тасвири ҳам катта ўрин эгаллаган. "Таъвиз ул-ошиқин" Хивада тошбосмада нашр этилган. Шоир ўзи яшаб ижод этган мураккаб даврни маҳорат билан бадиий умумлаштирганда, замон ва унинг аҳлига муносабат билдирганда, инсонпарварлик, ҳалқпарварлик нуқтаи назаридан ёндашган.

Огаҳийнинг юксак инсонпарварлик руҳи билан суғорилган ғоялари хон ва шоир Ферузнинг сиёсий-маърифий тарбиясига таъсир қилган. У Хива хонларига, йирик тарихий шахсларга бағишлиб қасидалар ёзган. Огаҳийнинг "Қасидаи насиҳат" асари Ферузга бағишлиланган бўлиб, 1865 йилда маснавий усулида яратилган ва унда шоирнинг сиёсий-маърифий қараашлари ёрқин акс этган. У ўз насиҳатларида салтанатни бошқаришнинг йўл-йўриқларини кўрсатади, мамлакат ва ҳалқни адолат билан идора этиш йўлларини белгилаб беради. Шоирнинг фикрича, шоҳ шариат аҳкомларига қаттиқ амал қилмоғи лозим. У айш-ишратдан, фитна ва ғийбатдан, ғафлатдан, зулм-разолатдан, чақимчиликдан, молпарастликдан узоқ бўлиши керак. Феруз Огаҳийнинг давлатни бошқариш тўғрисидаги маслаҳатларига қулоқ тутган, унинг ҳикматли байтларини мармар тошларга ёздириб, арзоналарга қўйдирган:

Шаҳо, олам ичра бугун шоҳсен,
Бурундин бу сўзларга огоҳсен.
Умидим будурким, амал қилғасен,
Амал айламакда жадал қилғасен.

Огаҳий Шарқ мумтоз шеъриятининг йигирмага яқин жанрида маҳорат билан қалам тебратган. Шоир девонида ғазал, мустазод, қасида, мухаммас, мусаддас, мураббаъ, мусамман, таржеъбанд, қитъа, рубоий, туюқ, маснавий каби жанрларда ёзилган шаклан гўзал, мазмунан теран, бадиий баркамол

намуналар кўп.

У ўзининг бир мусамманида ижодининг бу хусусиятига ишора бериб ўтган:

Иш манга бўлмиш ул ой кўйида маскан айламак,
Дардинг абёт ўқуб, ҳолимға шеван айламак,
Хусни васфини ғазал бирла мубайян айламак,
Маснавий ичра ғами ишқин мубарҳан айламак,
Огаҳий янглиғ рубоий санъатин фан айламак,
Фикр ила дилкаш мухаммаслар муайян айламак,
Лек эмас эрди ҳадим назми мусамман айламак,
Бўлди бу журъатга боис ҳукми султон, эй қўнгул.

Огаҳий тарихий асарларида Хоразмда яшаган ўзбек, туркман, қорақалпоқ, қозоқ ҳалқларининг тарихи, маданий ва ижтимоий ҳаёти, Хива хонлигининг бошқа давлатлар билан муносабатлари сингари тарихий воқеалар акс этган. Жумладан,

“Риёз-уд-давла” (“Жаннат боғлари” – 1844) 1843–1846 йиллар – Оллоқулихон даври воқеалари;

“Зубдат-ут-таворих” (“Тарихлар қаймоги” – 1845–46) 1843–1846 – Раҳимқулихон даври воқеалари;

“Жомеъ ул-воқеоти султоний” (“Султонлик воқеаларини жамловчи” – 1857) 1847–1855 йиллар хукмронлик қилган хонлар: Муҳаммад Аминхон, Абдуллахон, Қутлуғмурод иноқ даври воқеалари;

“Гулшани давлат” (“Далват гулшани” – 1865) 1856–1865 йиллар – Сайд Муҳаммад Баҳодирхон даври воқеалари;

“Шоҳиди иқбол” (“Иқбол гувоҳи” – 1872) Феруз тахаллуслии Муҳаммад Раҳимхон Соний II давридаги тарихий воқеалар, 1873 йили рус қўшинларининг Хивага юриши тасвирланган.

Огаҳийнинг тарихий асарлари ҳам бадиий наср сифатида, ҳам XIX аср Хоразм воқелигини ҳаққоний акс эттирувчи нодир тарихий ҳужжатлар сифатида қимматлидир.

Огаҳий Шарқ адабиётининг дурдона асарларини ўзбек тилига таржима қилган забардаст ва сермаҳсул таржимон ҳисобланади. Шоир таржима қилган асарларнинг барчаси тарихий, ахлоқий, фалсафий-ахлоқий характердаги асарлардир. Мумтоз адабиётимизда Огаҳийчалик сермаҳсул таржимон кам учрайди. Шоир форс-тожик ва усмонли турк тилларида ёзилган кўплаб насрый ва шеърий асарларни тилимизга ўгириб, катта бадиий ва маърифий мерос қолдирган.

Огаҳийнинг таржималари ҳақида журналхонлар тасаввурга эга бўлишлари учун қуйида уларнинг рўйхатини келтириб ўтамиз.

1. Низомий “Ҳафт пайкар” (Асар насрый баён

йўлида таржима қилинган).

2. Мирхонд “Равзат ус-сафо” (Асарнинг 2–3-жилдини форсийдан ўзбекчага таржима қилган. Бу асарнинг 1-қисмини Мунис таржима қилган).

3. Муҳаммад Маҳдий Астрабодий “Тарихи жаҳонқушо Ниодирий”.

4. Зайниддин Восифий “Бадоеъ ул-вақоєъ”.

5. Амир Ҳусрав Деҳлавий “Ҳашт бехишт” (“Саккиз жаннат”).

6. Бадриддин Ҳилолий “Шоҳ ва гадо”.

7. Ҳусайн Воиз Кошифий “Ахлоқи муҳсиний” (“Яхши ҳулқлар”).

8. Абдураҳмон Жомийнинг “Юсуф ва Зулайҳо”.

9. Кайковус “Қобуснома”.

10. Муҳаммад Юсуф Мунши “Тазкираи Муқимхоний”.

11. Саъдий “Гулистон”.

12. Шарафиддин Али Яздий “Зафарнома”.

13. Ризоқулихон Ҳидоят “Равзат ус - сафои Носирий”.

14. Муҳаммад Ворис “Зубдат ул-ҳикоят”.

15. Муҳаммад Ворис “Шарҳи далойилал-ҳайрат.

16. Маҳмуд бинни Шайх Али Ғиждувоний “Мифтоҳ ул-толибин”.

17. Муҳаммад Муқим Ҳиротий “Табақоти Ақбаршоҳий”.

Кўҳна маданиятимиз тарихида ўчмас из қолдирган ёрқин сиймолардан бири бўлмиш Огаҳий бобомиз хотирасини ифтихор туйғуси билан ёдга оламиз. Шу билан бирга, ёш авлодни инсоншунослиқ – адабиёт руҳида тарбиялаётган устозлар, қоловерса, қалбида ўтмишимиз, маданиятимизга ҳурмат-эҳтиром, муҳаббат туйғуси жўш уриб турган ҳар бир инсон Огаҳий меросини изчил ўрганишга ва уни тарғиб қилишга бурчлидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси: 6-ж. Мир ий - Пархиш . - Т. : “ЎМЭ” Давлат ил. нашриёти, 2003. – Б.452-454.

2. Огаҳий. Жамолинг жиславаси/Тўпловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Э. Очилов. – Т.: Ўзбекистон, 2013. – Б.3-6.

3. Мелибоева З. Назм ичра бир гавҳар : Огаҳий таваллудининг 205 йиллигига/ З.Мелибоева// Тил ва адабиёт таълими. –2014. –33. –Б.32-34.

4. Эшчанова Ё.Ҳ. “Муҳаммад Ризо Огаҳий” мавзусини ўрганиши/ Ё. Эшчанова// Таълим технологиялари. – 2017. – №4. – Б.22-28.